

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАЖАПОВ АДИБЕК АНВАРБЕКОВИЧ

**ТАЖРИБАВИЙ ТЕРМИК КУЙИШДА ИММУН ТИЗИМИНИНГ
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Ражапов Адилбек Анварбекович

Тажрибавий термик куйишда иммун тизимининг
морфофункционал тавсифи..... 3

Ражапов Адилбек Анварбекович

Морфофункциональная характеристика иммунной
системы при экспериментальном термическом ожоге 23

Radjapov Adilbek Anvarbekovich

Morphofunctional characteristic of the immune
systems for experimental thermal
burns..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАЖАПОВ АДИБЕК АНВАРБЕКОВИЧ

**ТАЖРИБАВИЙ ТЕРМИК КУЙИШДА ИММУН ТИЗИМИНИНГ
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib666 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Магруппов Боходир Асадуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исроилов Ражаббой
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиев Бахром Рахимбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Хожа Аҳмад Яссавий номидаги қозоқ-турк халқаро университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru, Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Ж. Усманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Термик куйиш (ТК) жароҳатланишларнинг кенг тарқалган тури бўлиб, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра (ЖССТ) «...барча жароҳатланишлар орасида учинчи ўринни эгаллайди ва ногиронликнинг асосий сабаби бўлиб, уни даволашда ҳам кўп вақт, ҳам кўп маблағ сарфланади...»¹. Бу турдаги жароҳатланишлар оғир кечганлигидан, организмда деярлик барча бошқарув тизимларни бузади, жумладан, иммун тизим фалажланади, натижада аксарият ҳолларда дисциркуляция, яллиғланиш, сепсис турдаги инфекция ривожланиб, полиаъзо етишмаслигига олиб келади. Термик куйишда кузатиладиган «...кучли зарба, чуқур шикастланишлар, метаболик бузилишлар, эндокринопатия, эндоген захарланиш, аъзо ва тўқималарга оқсил ва энергиянинг етишмаслиги умумий ҳолда иммунобиологик ҳимоянинг заифланишига олиб келади...»². Организмнинг иммун тизими иш фаолиятини куйиш касаллигининг патогенезига боғлаш, иммун тизимнинг марказий ва периферик аъзоларида ривожланадиган патоморфологик ва функционал ўзгаришларни батафсил ёритиш, бу касалликнинг иммунодиагностикасини баҳолашда ва куйиш касаллигини даволаш муаммоларини ҳал этишда янги истиқболлар очишини кўрсатади.

Жаҳонда тажрибавий термик куйишда иммун тизимининг морфофункционал тавсифини баҳолаш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Куйиш касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллаш, даволашни самарали усулларини ишлаб чиқиш, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, куйиш касаллигини даволашда ҳужайравий технологиялар ва бошқа биологик қопламаларни қўллаш, бошқа даволаш усуллари билан комбинациялаш, даволаш самарадорлигини асослаш, куйиш касаллиги натижасида юзага келадиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, куйиш касаллиги натижасида келиб чиқадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши аҳоли орасида оғир

¹ Глуткин, А.В. Применение колагенсодержащих препаратов для лечения мозаичных термических ожогов кожи у детей раннего возраста // Материалы ежегодной итоговой научно-практической конференции «Актуальные проблемы медицины». –2017. –С.185-189.

²Алексеев А.А. Ожоги термические и химические. Ожоги солнечные. Ожоги дыхательных путей.// Клинические рекомендации. –Москва, 2017. – С. 10-12.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

даражали термик куйишни даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали асоратларни ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оғир даражали термик куйиш энг оғир азоб-укубатлар туркумига киришини ва унинг патогенетик занжири тананинг деярли барча ҳаётий тизимини камраб олиши жараёнлари бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Узок хорижда олиб борилган тадқиқотлар ҳам термик куйиш патогенези мураккаблигини ва унда барча аъзолар қатори, иммун тизимда ҳам сезиларли даражадаги ўзгаришлар ривожланиши тасдиқланган. (А.Д.Фаязов., 2003; И.В. Шлык ва ҳаммуалиф., 2005; С.Н. Хунафин ва ҳаммуалиф., 2005; М.Г. Крутиков., 2005; И.П. Назаров ва ҳаммуалиф., 2007; В.В.Иванов 2018). Термик куйишда терининг барча қатламлари шикастланади. Организмнинг термик куйишга жавоб реакцияси бир қатор носпецифик омилларнинг қўзғалишидан юзага чиқади. Микроциркуляциянинг ҳолсизланиши, ўтказувчанлигининг бузилиши, симпатoadренал тизимнинг фаоллашуви, биоген аминларнинг кўп ишлаб чиқарилиши, қон айланишининг камайиши, эндотоксемия ва аутоиммунизация кузатилади. Терининг термик куйиш даражасига қараб иммун тизим функцияси ҳар хил ўзгаришларга учрайди. (Н.А. Гординская.,2007; А.А.Алексеев 2015). Тери юзаси 4% куйганда иммун тизим стрессга сафарбарлик реакцияси билан жавоб беради. Куйиш 6% дан ошса, иммун тизим депрессияга учрайди (ҳаракатсиз турғунлик ҳолати), яъни Т-лимфоцитлар дифференцировкаланиш коэффиценти пасайиб, гиперпластик-пролифератив жараён устун туриб, ҳужайра тузилмаларини йўқотади. Адабиёт маълумотлари бўйича, куйиш жароҳати ҳам ҳужайра, ҳам гуморал иммунитетнинг чуқур депрессияланишига олиб келади, бу эса организмнинг инфекцион агентга нисбатан чидамлилигини пасайтиради ва септик асоратларнинг ривожланишига олиб келади. (V.M.Zemskov., 2016). Термик куйишни анъанавий даволашда асосий мақсад иммунитет бузилишининг

олдини олиш ва касалда инфекцион жараённинг ривожланишига йўл кўймаслик ҳисобланади (Назаров И.П, 2007).

Ўзбекистонда 1995 йилдан бошлаб, хужайра технологиясининг янги йўналиши бўлган эмбрионал аллофибробластларни яратиш ва уларни куйган беморларни даволашда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган (М.Д. Уразметова, А.А. Шек,1998) Куйган жароҳатларни даволашда ушбу хужайралар суюқлигини қўллаш орқали тадқиқотчилар ўстирилган аллофибробластлар (ЎАФ)нинг жароҳат битиши жараёнига таъсирини ҳисобга олишган. Термик куйишда қўлланилган бу усул натижалари таҳлил қилинганда, куйган тери юзасида яллиғланишли, регенератив жараёнлар анча тез кечганлиги, инфекция кўшилиши кескин пасайганлиги кузатилди. (Р.К. Аҳмедова ва ҳаммуалиф., 2005; М. Д. Ўразметова ва ҳаммуалиф., 2005; А.М. Ҳаджибаев. ҳаммуалиф., 2006).

Чуқур куйган жароҳатга ўстирилган аллофибробластларнинг (ЎАФ) кўчириб ўтказилиши термик куйиш (ТК) аломатлари эртароқ тузалишига, яра нуқсонининг бутунлай ёпилишига олиб келади.(Д.А.Джабриев 2005; В. Nedelec 2007; Э.Я.Фисталь 2017; В.В. Солошенко 2016).

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўлим даражаси юқори (60-70%) бўлган оғир даражали термик куйишда, терининг 15-20% дан ортиқ майдони куйган беморларни даволашда, самарали усулларни излаш муҳим муаммолардан ҳисобланади ва уни амалга оширишда аутотери, аллотери, ксенотери, аллофибробластлардан фойдаланиш йўллари изланмоқда. Термик куйишда ЎАФ кўчириб ўтказилиши иммун тизимини термик жароҳатга камроқ реакцияси ва клинко-иммунологик ўзгаришларнинг эрта меъёрлашуви аниқланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзуси доирасида (2015-2018 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий термик куйиш ва уни ўстирилган аллофибробластлар билан даволашда иммун тизим марказий ва периферик аъзоларининг патоморфологик ўзгаришларини ҳамда иммунологик кўрсаткичларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажрибавий термик куйишда тимус, лимфа тугунлар, талокдаги патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш;

ўстирилган аллофибробластлар билан даволанган термик куйишда иммун тизим аъзоларидаги хос морфологик ўзгаришларни баҳолаш;

термик куйиш ва ўстирилган аллофибробластлар билан даволанган термик куйишда ҳайвонлар иммун статуси кўрсаткичларини иммунологик тестлар ёрдамида тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тажрибавий термик куйиш кўзғатилган 30 та оқ каламуш ва тажрибавий термик куйишда ўстирилган аллофибробластлар билан даволанган 24 та оқ каламушнинг тимус, лимфа тугунлар ва талоғи олиниб, 6 та соғлом каламуш назорат гуруҳи ва жами 60 та эркак оқ каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида термик куйишда ва ўстирилган аллофибробластлар билан даволанган термик куйишда ҳайвонлардан олинган қон, тимус, талоқ ва лимфа тугунлари материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфологик, иммунологик, иммуногистохимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибавий термик куйиш ва уни аллофибробластлар билан даволашда иммун тизимнинг морфофункционал кўрсаткичларининг иммун тизимга ижобий таъсири асосланган;

термик куйиш кўзғатилган ҳайвонлар тимус, лимфа тугунлар, талоқда ривожланган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хос белгилари исботланган;

аллофибробласт билан даволанган термик куйишда ҳайвонлар иммун тизими марказий ва периферик аъзоларидаги ўзига хос морфологик ўзгаришлар мавжудлиги исботланган;

термик куйиш натижасида ҳайвонлар иммун статусининг иммунологик кўрсаткичларида ҳужайравий иммунитет кўрсаткичлари пасайиб, гуморал иммунитет кўрсаткичлари кўтарилгани ва нейтрофиллар фагоцитозлаш қобилияти ва Т-киллерлар миқдорининг ошганлиги исботланган;

аллофибробласт билан даволанган термик куйишда ҳайвонлар иммун статуси кўрсаткичларида тажрибанинг илк даврларида Т-хелпер ҳисобига Т-лимфоцитлар миқдорининг камайиши, охириги даврларда кўтарилиши, апоптозни фаоллаштирадиган CD95 ҳужайраларнинг кўпайиши ва ҳужайравий иммунитет фаоллигини кўрсатувчи МПО/МСО (миграцияни пасайтравчи омил/миграцияни стимулловчи омил) нисбатан коэффицентининг кўтарилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тажрибавий тадқиқотлар натижаларига кўра, иммун тизим марказий ва периферик аъзоларида аниқланган морфологик ўзгаришлар ва иммунологик кўрсаткичларда кузатилган ўзгаришлар баҳоланган;

термик куйишнинг иммунобиологик статуси куйиш касаллигига чалинган беморлар иммунитетини тузатиш бўйича амалий тавсиялар беришга имкон яратган;

тажрибавий термик куйишда иммун тизимнинг ўзгаришлари хусусиятлари бўйича услубий тавсиянома яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумморфологик, иммунологик, гистологик, иммуногистокимёвий ва статистик текширув усуллар билан асосланган. Термик куйишда қўлланилган ўстирилган аллофиборобластлар жароҳат соҳасининг битиши ва иммун тизим аъзоларида ижобий ўзгаришлари илмий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти термик куйишда иммун тизимида патоморфологик ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгаришлари ўзига хослиги, бу ўзгаришлар эса куйишда иммунитет ҳолатини яхшилаш бўйича амалий тавсия бериш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти термик куйишда нафақат терида жароҳат бўлиши, балки ички аъзоларда, айниқса, иммун тизими аъзоларида патологик ўзгаришларга олиб келиши сабабли организмни ўз вақтида термик куйишдан муҳофаза қилиш тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибада термик куйишда иммун тизимининг морфологик тавсифини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тажрибада термик куйишда иммун тизими ўзгаришларининг хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 майдаги 8н-д/117-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада тажрибий термик куйишда иммун тизими ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятлари, тимуснинг патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш, уларнинг олдини олиш ҳамда ўз вақтида самарали даволаш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

Тажрибада термик куйишда иммун тизимининг морфологик тавсифини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини патологоанатомик ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иммунология илмий тадқиқот институти илмий лабораторияси ҳамда Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Хоразм филиали амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 8н-з/264-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши термик куйишни эрта ташхислаш, башоратлаш ва самарали даволаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, асоратларни, ногиронликни ва даволаниш муддатларини камайтириш, куйган беморларнинг иммун тизимини тиклашга қаратилган амалий тавсияларни жорий қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Термик куйишда иммун статуснинг ўзига хос ўзгаришлари**» деб номланган биринчи бобида термик куйиш(ТК) ва уни ўстирилган аллофибробластлар (ЎАФ) билан даволаш муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифлар илмий нашрларининг таҳлилий натижалари келтирилган. Ушбу патологиянинг ривожланиши, патогенези, морфогенетик механизмлари таҳлил қилиниб, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган. Мазкур муаммо бўйича охириги йилларда нашр қилинган илмий ишлар асосида иммун тизимининг марказий ва периферик аъзоларида ривожланадиган морфологик ўзгаришлар ёритилган. ТКда организмда юз берадиган клиник ўзгаришларни башоратлаш учун иммунологик текширувлар ўтказиш зарурлиги кўрсатилган. Кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, куйиш касаллигида ва уни аллофибробласт билан даволашда иммун тизим аъзоларининг морфологик ўзгаришлари ва қоннинг иммунологик тизимидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳозирги кундаги ҳолати, мазкур муаммони ҳал этиш бўйича илмий изланишларни давом эттириш заруратини кўрсатиб беради.

Диссертациянинг «**Термик куйиш ва уни аллофибробласт билан даволаш натижаларини баҳолаш учун фойдаланилган материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида тажрибавий материалларнинг умумий таърифи берилган бўлиб, тадқиқотларда фойдаланилган усуллар баён этилган. Тажрибалар вазни 180-200 граммли 60 та оқ эркак каламушларда ўтказилди ва улар 3 та гуруҳга бўлинди: чуқур термик куйиш кўзғатилган 30 та каламуш, чуқур термик куйиш кўзғатилиб, аллофибробластлар билан даволаган 24 та каламуш ва 6 та соғ каламушлар (1-жадвалга қаранг).

Тажрибавий ҳайвонлар сони ва гуруҳи

№	Каламушлар гуруҳлари	Текширув кунларида каламушлар миқдори						жами
		0	3	6/3	10/7	17/14	24/21	
1.	ТК	-	6	6	6	6	6	30
2.	ТК+ЎАФ	-	-	6	6	6	6	24
3.	Соғлом	6	-	-	-	-	-	6
	Жами:	6	6	12	12	12	12	60

Изоҳ: 6/3 кузатув кунлари ва даволаш кунлари.

Ҳайвонлар терисини термик куйдириш тажрибаси куйидагича амалга оширилди, ҳайвонлар эфир наркози билан ухлатилиб, 100° С даражада қиздирилган темир орқа елка соҳанинг терисига намланган дока устидан 16 сония босиб турилди. Ўлчами 6x4 смли қиздирилган темир пластинка ёрдамида каламушлар умумий терисининг 18-20 % тенг соҳасида чуқур термик куйиш (ШБ даража) келтириб чиқарилди. Бирламчи ўстирилган аллофибробластлар (ЎАФ) 14–17 кунлик каламуш эмбрионларини эмбрионал тери қопламаларини ферментизация йўли билан 199 культурал муҳитда фибробластлар ўстирилди. Аллоген фибробластлар сифатида эмбрионал фибробластлардан фойдаланиш катта клиник самара беради. Чунки улар катта пролифератив потенциалга эга.

Тайёр қилинган фибробластли суспензия 2 – гуруҳни даволашда ишлатилди. Суспензиянинг 1 мл 230000 хужайра тутди. 2-гуруҳдаги ҳайвонлар терисининг куйган соҳасидан некрозланган қасмоқни тажрибанинг 3-кунда кесиб олиб ташланди ва яра юзасига аллофибробластли суюқликдан 0.2мл ҳар см² миқдорида жароҳат юзасига томизилди ҳамда устига физиологик эритма ва гентамицин билан намланган дока қўйиб боғланди. Ҳайвонлар тажрибанинг 3, 6, 10, 17, ва 24-кунлари декапитизация йўли билан сўйилди ва улардан олинган материаллар куйидаги усулларда текширилди: Тимус, талок, лимфа тугунлар ва куйиш яра соҳаси тўқимаси морфологик текшириш учун олинди ва 10 %ли фосфат буферли формалин эритмасида фиксацияланди. Материаллардан одатий усулда парафин блокланди. Блоклар МС-2 микромомида 5-6 мкм қалинликда кесилиб, гематоксилин-эозин бўёғида бўялди ва ёруғлик микроскопида текширилди.

Иммуногистокимёвий текширувлар Даниянинг Dako фирмасининг олдиндан тайёрланган бирламчи антителалар эритмасидан фойдаланиб амалга оширилди ва натижалар махсус тизимлар – EnVision, Peroxidase DAB+ (Dako, Дания) ва BioGenex, США ёрдамида баҳоланди.

Иммунологик текширувлар. Ҳайвонлар иммунологик статуси Ф.Ю. Гариб (1995) ва М.В. Залялиева (2004) унификацияланган тест усулида баҳоланди. Ҳайвонлар қони гепарин қўшилиб пробиркага олинди. Лимфоцитларни ажратиш умумий тартибда А. Воум усулида бажарилди.

Лимфоцитларнинг субпопуляциялари моноклонал антителалар ёрдамида (ООО «Сорбент-сервис», Москва) юзаки маркерлари: CD3, CD4, CD8, CD 16, CD20 и CD95 билвосита розетка пайдо қилиш усули бўйича фоизларда ҳисобланди. Нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги 2,3 мк диаметрли латекс заррачалари ёрдамида аниқланди.

Иммунологик текширувларнинг миқдорий кўрсаткичларига статистик ишлов бериш Microsoft Excell 7,0 дастурида амалга оширилди.


Иммунитетнинг функционал кўрсаткичларини капиллярларда лейкоцитлар миграциясининг тўхташ реакцияси (ЛМТР) усулида текширилди (Л.И.Миркамалова, 2000). Бунда қуйидагилар текширилди: периферик қонда лейкоцитларнинг спонтан миграцияланиши (ПҚЛСМ); Т-лимфоцитларнинг КонАга нисбатан цитокинлар ишлаб чиқарилиши икки миқдорда (2,5 ва 10 мкг/мл): қондаги лейкоцитлар миграциясини пасайтирувчи (МПО) ва стимулловчи (МСО) омиллари аниқланди; қондаги лейкоцитлар миграциясини фаоллаштирувчи спонтан цитокинлар; тери антигенига нисбатан *in vitro* сенсibiliзацияланиш ўрганилди.

Ҳар бир ҳолатда лейкоцитларнинг ўртача югуриши (ЛЮ) абсолют сонларда аниқланди (1бирл. = 0,1 мм). Қуйидаги формулаларда лейкоцитларнинг миграцияланиш индекси (МИ) ва миграциясини тўхтатиш индекси (МТИ) ҳисобланди: $МИ = ЛЮ_{тажриба} / ЛЮ_{назорат}$ (1), $МТИ = (1 - МИ) \times 100\%$ (2). МТИ агар $МИ < 0,85$ га тенг бўлса мусбат ва МПО ишлаб чиқарилишидан дарак беради. Агар $МИ > 1,15$ бўлса манфий ҳисобланади. Демак, МИ 0,85 - 1,15 оралиғида бўлса Т-лимфоцитлар функционал фаоллиги паст ҳисобланади. Тери антигенига (ТАг) нисбатан *in vitro* сенсibiliзацияланиш $МИ < 0,85$ (МТИ-15%) бўлганда мусбат ҳисобланади.


Диссертациянинг «**Термик куйиш динамикасида иммун тизим аъзоларидаги патоморфологик ўзгаришлар**» деб номланган учинчи бобида, тимус, талоқ ва лимфа тугунларда ривожланадиган структур ўзгаришлар келтирилган. Термик куйишда теридаги ўзгаришлар ҳам келтирилган. Тажрибани охириги кунларида тери куйган жойида жароҳат қирралари қисқарганини, қирралар атрофида грануляциян тўқима мавжудлигини кўриш мумкин. Тери бутунлиги тикланмаган.

Тимусдаги ўзгаришлар. Термик куйишнинг илк даврларидан бошлаб яъни тажрибанинг 3-кунида тимуснинг ташқи пардаси ва бўлакчалари орасига кирган бириктирувчи тўқима тутамларида семиз хужайраларнинг кўпайганлиги, улардан аксарияти дегрануляцияланган ҳолатдалиги аниқланди (1-расмга қаранг). Бу ҳолат термик шикастланишга жавобан нейро-эндокрин реакциянинг морфологик белгиси ҳисобланади, яъни семиз хужайралар ўзидан гистомин ва серотонин ишлаб чиқазиб, бириктирувчи тўқимада шиш, мукоид ва фибриноид бўкиш каби ўзгаришларни ривожлантириб, тўқима ўтказувчанлигини оширади. Бу каби патоморфологик ўзгаришлар тимус бўлакчалари паренхимасида ҳам ривожланганлиги, яъни қон томирларнинг тўлақонлиги, периваскуляр ва интерстициал шиш ривожланиши кузатилди. Бу ўзгаришлар асосида тимуснинг ретикуляр строма хужайралар цитоплазмаси

хам вакуоллашиб, шишга учраганлиги, уларнинг атрофидаги лимфоцитларнинг аксарияти кариолизис, кариорексисга учраб некроз ва апоптоз кўринишида нобуд бўлганлиги аниқланди. Бу каби патоморфологик ўзгаришларнинг оқибатида тимуснинг иккиламчи атрофияси ёғли метаморфоз келиб чиққанлиги кузатилди. Тажрибанинг 6-кунида тимусни пўстлоқ ва мағиз қисми фарқланмайди. Тажрибанинг 10-кунида тимусда ретикуляр хужайралар билан бирга лимфоцитларни ҳам аниқланиб, атрофия сақланган, бироқ, дегрануляцияланган хужайралар аниқланмайди. Тажрибанинг 17-кунидан бошлаб тимуснинг пўстлоқ қаватида яна қайтадан лимфоцитларнинг кўпайиши ва патологик лимфоид фолликулалар пайдо бўлиши кузатилади. Бу патоморфологик ўзгаришлар куйган тери юзасидаги қозғоқ таркибидаги оксилли моддаларнинг денатурацияланиб, антигенга айланишига жавобан тимусда лимфоцитларнинг аутоиммун жараёнга хос пролиферацияси ривожланади (2-расмга қаранг).



1-расм. I гуруҳ. ТК 3-куни. Тимус.
Дегрануляцияланган хужайралар (1)
бўлакчалар оралик стромасида (2). Бўёқ:
гематоксилин ва эозин. X:об. 40, ок. 15.



2-расм. I гуруҳ. ТК 17-куни Тимуснинг
патологик лимфоид фолликуллари (1).
Бўёқ: Г-Э, X:10x15

Улар орасида макрофагларни ҳам кузатишимиз мумкин. Тажрибанинг 24 – кунида тимусда гиперплазия кузатилади ва пўстлоқ, мағиз қисмларини фарқлаш кийинроқ бўлсада фарқлаш мумкин. Пўстлоқ қисмида макрофагларни кузатишимиз мумкин.


Талоқдаги ўзгаришлар. Термик куйиш кўзғатилган каламушлар талоғи микроскопик усулда текширилганда маълум бўлдики, тажрибанинг илк даврларида (3-куни) қизил пульпа майдонида шиш, қон куйилишлар (3-расмга қаранг), семиз хужайра ва макрофаглар кўпайишидан кенгайган. Синусоидлар чегаралари ноаниқ. Бильрот тутамлари структур бирликлари титилган, фибриноид некрозга учраган ҳолатда.

Тажрибани 6 -кунида оқ пульпада лимфоцитлардан ташқари кам миқдорда моноцитлар ва макрофаглар учрайди, қизил пульпада мегакариоцитлар аниқланилади. Талоқ оқ пульпаси унча катта бўлмаган лимфоид фолликулалардан иборат, улар атрофидаги маргинал майдон кенгайиб чегаралари ноаниқлашган, қизил пульпага кўшилиб кетган.


Лимфоид фолликулалар ва периартериал Т-майдон алоҳида-алоҳида бир-биридан узоқлашиб жойлашган. Лимфоид фолликулалари титилган ва унда герминатив майдон ва лимфоцитар халқа чегаралари аниқланмайди. Периартериал майдонда жойлашган лимфоцитлар ядролари нисбатан гиперхромли, улардан гуруҳ-гуруҳ лимфоцитлар бир-бирига яқинлашиб тўпламлар пайдо қилиб жойлашган. Бундай тўпламлар орасида ретикуляр хужайра ёки макрофаг жойлашганлиги аниқланади.

Тажрибанинг 10-кунида талок оқ пульпаси яққол намоён бўлади, марказий соҳа атрофида лимфоцитлардан ташқари моноцит ва макрофагларни кузатишимиз мумкин. Оқ пульпа атрофида маргинал соҳа яққол намоён бўлади. Қизил пульпада томирлар кенгайиши ва тўлақонлилик сақланган. Синусларда плазмобласт ва плазмоцитлар аниқланади. Тажрибанинг 17-кунида талокда марказий зона атрофида лимфоцитлар орасида моноцитлар ва макрофагларни кузатишимиз мумкин, оқ пульпа атрофида маргинал зона кийин фарқланади.

Термик куйишнинг сўнги даврлари яъни 24- кунида талокда шиш, дисциркулятор ва лимфадеструктив ўзгаришлар нисбий ҳолдаги лимфогистиоцитар пролифератив жараёнга айланганлиги кузатилади. Талок оқ пульпаси тажрибанинг илк давридан фарқли ўлароқ аниқ структур ўзгаришларга учраганлиги кузатилади. Бунда, лимфоид фолликулаларнинг атрофияланганлиги, айримларининг ўрнида дистрофия ва деструкцияга учраган ретикуляр стромаси сақланиб қолганлиги топилди. Маргинал майдоннинг аниқланиши кийин, бу соҳада асосан макрофаглар ва гистиоцитар хужайралар кўпайиб, ўзига хос тўрсимон нозик тўқима пайдо бўлганлиги аниқланди. Периартериал Т-майдон нисбатан сақланиб қолган, ундаги ретикуляр хужайралар гипертрофияланган, лимфоцитлари нисбатан гипохромияга учраб, алоҳида-алоҳида тўпламлар пайдо қилиб жойлашган (4-расмга қаранг).



3-расм. I гуруҳ. ТК 3-куни. Қизил пульпада шиш (1), қон қуйилишлар (2) ва лимфодеструкция (3). Бўёқ:Г-Э. Х:40x15.



4-расм. I гуруҳ. ТК 24-куни. Макрофагал (1) ва ретикуляр пролиферация, оқ пульпа атрофияси (3). Бўёқ:Г-Э. Х:40x15.

Демак, термик куйишга жавобан, талокда дастлаб шиш, кучли дисциркулятор ва лимфодеструктив ўзгаришлар ривожланган бўлса,


тажрибанинг охириги даврларига келиб, ҳам қизил, ҳам оқ пульпада макрофаглар ва ретикуляр хужайралар пролиферацияси, уларнинг фагоцитозлаш фаолиятининг ошиши, аксариятида оксилли дистрофик ўзгаришлар ривожланиши кузатилди. Лимфоид хужайралар структур-функционал кўринишидан депрессияга тушганлигини кўриш мумкин.

Лимфа тугунларидаги ўзгаришлар. Тажрибавий термик куйишга жавобан лимфа тугунларда ҳам дастлаб биологик фаол моддалар ишлаб чиқарувчи дегрануляцияланган семиз хужайралари кўпайиб (5-расмга қаранг), фаоллашиб, ўзларидан гистамин ва серотонин ишлаб чиқаради. Натижада лимфа тугунлар майда қон томирлари кенгайиб, тўқимасида шиш, мукоид ва фибриноид бўкиш ривожланади. Бу ўзгаришлар лимфа тугунининг ташқи пардаси, парда ости синусиоди ва ичига кирувчи устунларида кўпроқ намоён бўлганлиги аниқланди.


Тажрибанинг 6–кунида кичик ёруғ марказли лимфоид фолликулалар аниқланилади. Термик куйиш динамикасида лимфа тугуннинг паракортикал соҳаси ва мағиз синусоидларида қон қуйилишлар пайдо бўлганлиги кузатилди.

Тажрибанинг 10- кунида лимфа тугуннинг пўстлоқ қаватида лимфоид фолликулалар шакли бузилиб, ташқи парда остида лимфоцитларнинг узлуксиз ҳолдаги зичлашлашиб тўпланганлиги кузатилди. Бу лимфоцитларнинг гистологик тузилиши, уларнинг фаоллиги кескин пасайганлигини кўрсатади. Уларнинг атрофида, паракортикал майдонда ва хатто мағиз қават синусоидлари деворида гистиоцитлар, макрофаглар ва ретикуляр хужайралар кўпайганлиги кузатилади. Бу ўзига хос гистиоцитар инфильтрат пайдо қилганлиги аниқланди. Инфильтрат лимфа тугуннинг паренхимаси бўлган лимфоцитларни четга суриб, деструкцияга учратиб, атрофия жараёнини ривожлантирган.

Тажрибанинг 17- куни иккиламчи лимфоид фолликулалар пайдо бўлганини кузатишимиз мумкин (6-расмга қаранг).



5-расм. I гуруҳ. ТК 3-куни. Л/тугун.
Дегрануляцияланган хужайралар (1) мағиз соҳасида. Бўёк:Г-Э. X: 40x15.




6-расм. I гуруҳ. ТК 17-куни. Лимфа тугун.
Иккиламчи лимфоид фолликулалар (1).
Бўёк:Г-Э. X: 10x15


Лимфа тугундаги бу кўринишидаги морфологик ўзгаришлар аъзонинг депрессияга тушганлигидан далолат беради. Тажрибанинг 24–кунида лимфа

тугунининг кортикал зонаси атрофияланган, медулляр ва кортикал синуслар гистиоцитлар пролиферацияси ҳисобига кенгайган.

Диссертациянинг «Термик куйишни аллофибробластлар билан даволаганда иммун тизим аъзоларидаги морфологик ўзгаришлар» деб номланган тўртинчи бобида, тимус, талоқ ва лимфа тугунларда ривожланадиган структур ўзгаришлар келтирилган. ТКни аллофибробластлар билан даволанган, тимус стромасида семиз ҳужайраларнинг кўпайганлиги, тажрибанинг 6-куни улардан аксарияти дегрануляцияланган ҳолатдалиги аниқланди. Бу даволанган гуруҳнинг ўзига хослиги тажрибанинг 10-кунидан, аъзонинг барча морфофункционал соҳаларида ретикуляр ҳужайралар ва макрофагларнинг пролиферацияланиши кузатилди. Натижада, тимус пўстлок қавати лимфоцитлари орасида ва ташқи пардасига туташган ҳолда йирик гипертрофияланган ретикуляр ҳужайралар пайдо бўлганлиги, тажрибани 17-куни мағиз қавати майдони кенгайганлиги, ретикуляр ҳужайралар ва макрофаглар пролиферацияланган ва Гассал таначалари кўпайиб, кистоз бўшлиқларга айланганлиги (7-расмга қаранг), тажрибанинг 24-кунида эса, тимуснинг тўлиқ барча морфофункционал соҳалари сақланганлиги кузатилди (8-расмга қаранг).



7-расм. II гуруҳ ТК 17-куни. Тимус, Гассал таначалари кўпайиши ва кистозланиши (1).
Бўёк: Г-Э. X:40x15.




8-расм. II гуруҳ ТК 24-куни. Тимус, пўстлок (1) ва мағиз (2) қаватлари сақланиб қолиши. Бўёк: Г-Э. X:10x10


Талоқ. Термик куйишни аллофибробластлар билан даволаш гуруҳида ҳайвонлар талоғи микроскопик текширилганда шу ҳолатлар аниқландики, бунда ҳам тимус ва лимфа тугунлардагига ўхшаб, дастлаб дисциркулятор ўзгаришлар, кейин эса дистрофик ва деструктив ўзгаришлар ривожланиши тасдиқланди. Булардан дисциркулятор ўзгаришлар қизил пульпада устун турса, деструктив ва пролифератив ўзгаришлар оқ пульпада кўпроқлиги кузатилди. Қизил пульпада асосан тўлақонлик, қон куйилишлар ва уларга жавобан макрофагал реакция кузатилади. Оқ пульпада асосий ўзгаришлар тажрибанинг илк даврларида ЎАФ билан даволашнинг 3- кунида маргинал майдоннинг шишга, титилишга учраб кенгайиши, чегарасини ноаниқлиги намоён бўлди. Кейинги кунларида даволашга жавобан оқ пульпанинг деярлик барча соҳаларида стромал ҳужайралар бўлган ретикулоцитлар ва

макрофагларнинг пролиферацияланиши кузатилди. Даволанишни 14–кунида (ТКни 17-куни) оқ пульпа фолликулаларида гиперплазияни кузатишимиз мумкин. Қизил пульпада тўлақонлилик сақланган томирлари кенгайган. Ретикуляр строма пролиферацияланган. ЎАФ кўчириб ўтказилганининг 21-куни (Тажрибанинг 24-куни) оқ пульпанинг морфофункционал соҳалари чегаралари аниқлангани кузатилди. Талоқ лимфоид фолликулаларида герминатив майдон, лимфоцитар ҳалқа ва маргинал майдон ўзига хос морфологик тузилишларга эга бўлди. Айниқса, периартериал Т-майдон хатто меъёрдагидан ҳам катталашиб, ҳам артерия атрофида, ҳам перифериясида ретикуляр хужайраларнинг пролиферацияланиши аниқланди.

Лимфа тугун. Термик куйишни аллофибробластлар билан даволаш натижасида, тажрибанинг илк давларида лимфа тугунда ҳам юқорида кўрсатилганидек, умумий дисциркулятор ва деструктив ўзгаришлар ривожланади. Ўзига хос ўзгаришлар тажрибанинг охириги даврларида кузатилади. Бунда лимфа тугуннинг ташқи пардасидан бошлаб, периферик синусида, ичига кирувчи устунларида, барча томирлари атрофида ва мағиз қавати синуслари деворида моноцитар-макрофагал ва гистиоцитар-ретикуляр хужайраларнинг кўпайиши кузатилади. Термик куйишни ўстирилган аллофибробластлар билан даволашнинг 14 – кунида лимфа тугунинг пўстлоқ қисмида бирламчи ва иккиламчи лимфоид фолликулалар, паракортикал қисмида кўплаб макрофаглар инфильтрацияси кузатилди. Кейин эса бу хужайралар пўстлоқ қавати лимфоид фолликулаларига диффуз ҳолда кириб бориб, инфильтрациялангани аниқланди. Мағиз қавати синусоидлари деворида бу хужайралар кўпайган бўлса, синусоидлар ичи В-лимфоцит ва плазматик хужайралар билан тўлган. Бу ҳолат CD20 хужайраларни иммуногистокимёвий текширишда, уларга хос интенсив бўялиши билан тасдиқланди (9-расмга қаранг). Лимфоид фолликулалар четида ва паракортикал майдонда Т-лимфоцитлар тўпланганлиги кузатилди (10-расмга қаранг).



9-расм. Лимфа тугун мағиз қаватида CD20 хужайраларнинг кўплиги. Иммуногистокимё усули.



10-расм. Лимфа тугун паракортикал соҳада CD3 Т - лимфоцитлар тўпланиши. Иммуногистокимё усули.

Тажрибавий термик куйишни ўстирилган аллофибробластлар билан даволашнинг 21–кунида лимфа тугунининг пўстлоқ қисми қисқарган, медуляр

ва кортикал синуслар кенгайганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Термик куйишда каламушлар қони иммунологик кўрсаткичларининг ўзгариши» деб номланган бешинчи бобида иммунологик кўрсаткичлар келтирилган. Термик куйиш ҳайвонлар иммунологик реактивлигининг ўзгаришига олиб келди. Тажрибанинг 3-кунидан бошлаб, ҳайвонлар иммун статуси кўрсаткичлари ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан кескин ўзгаришга учради (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Каламушларда тажрибавий термик куйиш динамикасида иммун тизимнинг миқдорий кўрсаткичлари, $M \pm m$ ($n=30$)

Кўрсаткичлар	Меъёр назорат	Куйишдан кейинги кунлар				
		3-кун	6-кун	10-кун	17-кун	24-кун
CD3, %	51,5±1,05	35,0±0,81*	42±0,73*	44±0,47*	47,3±0,91	48,8±0,60*
CD4, %	33,5±0,67	23,1±0,40*	25,8±0,74*	29,1±0,47*	32,1±0,74	30,3±0,61*
CD8, %	16,1±0,79	11,8±0,47*	13,5±1,11*	15±0,57	17,8±0,60	16,6±0,42
CD4/CD8	2,08	1,96	1,91	1,94	1,80	1,82
CD 16,%	10,3±0,33	11±0,57	15,6±0,33*	17,1±0,65*	17±0,57*	10,6±0,49
CD95, %	15,8±0,30	20±1,46*	21±0,65*	21,1±0,47*	20,1±0,70	20,5±0,36
CD20, %	20,1±0,60	21,6±1,17	26±0,96*	17,3±0,55*	18,8±0,60	18,1±0,30*
НФФ, %	46,5±1,25	31±1,36*	37,3±0,84*	34,6±1,05*	35,1±1,88*	40,5±0,99*

Изоҳ: * - назоратга нисбатан ишончлилик даражаси ($P < 0,05$).

